

МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА ИШ ЮРИТИШНИНГ АЙРИМ ПРОЦЕССУАЛ МАСАЛАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Рахмонов Сарварбек Азимжонович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов
академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21884181>

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 134-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи сифатида белгиланган бўлиб¹, маъмурий суд ишларининг алоҳида кўрсатилиши муаллиф назарида муҳим аҳамиятга эга. Илмий ва ўқув адабиётларда “маъмурий судлов”, “маъмурий процесс” ёки “маъмурий суд ишларини юритиш” жумлалари кўп учраса-да, ушбу атамалар тадбиркорлик субъектлари, кенг аҳолига бир мунча қийинроқ туюлади. МСИЮтКда асосан “Маъмурий суд ишларини юритиш” атамаси суд процесси, процессуал ҳаракатлар, процессуал иштирокчилар, процессуал қоидалар, процессуал муддатлар, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар процессуал оқибатлар маъноларида учрайди. Шу ўринда савол туғиладики, Олий суд Раёсати ва Пленуми қарорлари маъмурий суд ишларини юритиш муносабатларини қанчалик тартибга солади? Адабиётларда миллий ҳуқуқшунос олимларимиз О.Окюлов ва З.Эсановалар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг гарчи, ҳўжалик процессуал ҳуқуқининг манбалари жумласига кирмаса-да, судлар фаолиятида муҳим ва мажбурий аҳамиятга эгаллиги тўғрисида фикр билдирилади². “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига асосан “Қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтириш берилган қонунчиликни қўллаётган давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурий”лиги белгиланган³. Ҳуқуқшунос олима Х.Бурханходжаева ҳам ҳал қилув қарорининг асословчи қисмида судьялар Пленум қарорларига мурожаат этишлари кераклигини таъкидлаган⁴. Ўз навбатида, Олий суд Раёсати энг юқори судлов инстанцияси сифатида судлов ҳайъатлари ва аппарат ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади. Юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб, муаллиф шундай хулосага келади: маъмурий суд ишларини юритиш масалалари, асосан, қонун ҳужжатлари билан тартибга солинса-да, биринчи инстанция судида иш юритишнинг айрим жиҳатлари бўйича Олий суд Пленуми ва Раёсати қарорлари ҳам муҳим тушунтирувчи аҳамиятга эга.

МСИЮтКнинг 2-моддасида белгиланган маъмурий суд ишларини юритиш вазифалари қуйидагилардан иборат: маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини ҳамда фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш; маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида бузилган ёки

¹ <https://lex.uz/docs/6445145#6446095>

² Окюлов О., Эсанова З. Ҳўжалик процессуал ҳуқуқи фанининг умумий қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Ахборотномаси. 2016 йил, 1-сон, 28-б.

³ <https://lex.uz/docs/5534923>

⁴ Бурханходжаева Х. Ҳўжалик судида низоларни кўриб чиқиш муаммолари. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: ю.ф.н., доц. Ф.Х.Отахонов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. 53-бет.

низолошилаётган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш; қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; қонун ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш⁵.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг процессуал қонунларга мувофиқ судларнинг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича судга мурожаатлари “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги⁶ Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Шу билан бирга маъмурий суд ишларини юритишда процессуал қонунларга мувофиқ судларнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳам мурожаатлар келиб тушади. Шу сабабли, юқоридаги шахсларнинг судларга қиладиган мурожаатлари мазмун ва шакл жиҳатидан процессуал характерда бўлган ва процессуал характерда бўлмаган мурожаатларга ажратиш, уларни фарқли жиҳатларини ажратиш юзасидан Олий суд томонидан тушунтириш берилиши лозим. Чунки, бундай мурожаатлар тушунчаси қонун ҳужжатларида аниқ белгиланмаган. Шунингдек, процессуал характерда бўлмаган мурожаатлар билан холисона ишлашнинг муҳим шартларидан бири - уларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган шахс (судья, суд таркиби, суд ходими)нинг айнан ўзига кўриб чиқиш учун бермаслик ҳисобланади. Аксинча, процессуал характердаги мурожаатлар эса айнан ишни кўриб чиқаётган ва кўриб чиққан судьяга берилиши мумкин. Шу сабабли, мазкур қонуннинг бузилиши қайта ва такрорий мурожаатларни келтириб чиқариши оқибатида судларда ишларнинг сунъий равишда ортишига ва фуқароларнинг ҳақли норозиликларига сабаб бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, уларнинг аниқ чегарасини белгилаб бериш зарур. Шундан келиб чиқиб, муаллиф қуйидаги таклифни илгари суради: процесс иштирокчилари ёки ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, бироқ ҳуқуқ-мажбуриятлари тўғрисидаги масала суд томонидан ҳал қилинган шахсларнинг ишни кўриш билан боғлиқ ва процессуал қонунчиликда назарда тутилган мурожаатлари — процессуал характердаги мурожаатлар; судда маъмурий ишни мазмунан кўриш билан боғлиқ бўлмаган, процессуал ҳаракат ёки суд ҳужжати қабул қилиш учун асос бўлмайдиган мурожаатлар эса — процессуал бўлмаган мурожаатлар сифатида қонунчиликда мустаҳкамланиши лозим. Суд ишлари бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқига эга шахслар доираси, мурожаатларга қўйиладиган талаблар, уларни кўриб чиқиш тартиблари, муддатлари, мурожаат қилувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни кўрувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва вазифалари каби масалалар фақатгина маъмурий суд ишларини юритишга оид қонунчилик билан тартибга солиниши лозим. Амалдаги қонунчиликда суд процесси иштирокчиларининг доираси қатъий белгиланган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгаллигига, хусусан, судья ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорларига нисбатан муносабат билдириш ҳуқуқи мавжуд. Яъни, бу икки хил мурожаатнинг фарқи сифатида шунини таъкидлаш лозимки, процессуал характерда бўлмаган мурожаатларни судда кўриб чиқиш тартиби хусусиятларига кўра процессуал характерда бўлган мурожаатларни кўриб чиқиш тартибидан фарқланиши мумкин. Масалан, судга процессуал характердаги мурожаатлар қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, уларнинг

⁵ <https://lex.uz/docs/3527353#3528621>

⁶ <https://lex.uz/docs/3336169>

хуқуқлари ва мажбуриятлари, мурожаатларни кўриш тартиби ҳамда муддати каби масалалар айрим махсус қонунларда тартибга солиниши мумкин. Лекин, айрим процессуал характерда бўлмаган мурожаатни кўриб чиқишга оид тартиб қоидалар эса Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”⁷ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”⁸ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”⁹ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”¹⁰ги Қонунлари ва бошқа шу каби қонунчилик ҳамда судларда иш юритиш тартибига оид йўриқномаларда акс этган бўлади.

Маъмурий суд ишларини юритиш босқичларининг алоҳида хусусиятларини инобатга олиб, қуйидаги босқичларни келтириш мумкин:

- 1) биринчи инстанция судида иш қўзғатиш (аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш, аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилишни рад этиш, аризани (шикоятни) қайтариш¹¹);
- 2) ишни суд муҳокамасига тайёрлаш (суд мажлиси ва музокаралари);
- 3) суднинг ҳал қилув қарорини қабул қилиши (қабул қилиш қоидалари, қонуний кучга кириши ва ижрога қаратиш тартиби, суд ажрими ва қарори);
- 4) апелляция инстанцияси судида иш юритиш (шу жумладан, шикоят ёки протестни кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш ёки тўхтатиш);
- 5) кассация инстанцияси судида иш юритиш (шу жумладан, шикоят ёки протестни кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш ёки тўхтатиш);
- 6) тафтиш инстанцияси суди ишни юритиш (шу жумладан, шикоят ёки протестни кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш ёки тўхтатиш);
- 7) қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш юзасидан иш юритиш¹²;
- 8) суд ҳужжатларини ижро қилиш¹³.

Процессуалист олим М.А. Сидоров иш юритиш одил судловнинг функцияси бўла олмаслигини, у процессуал фаолият ҳисобланмаслигини таъкидлайди. Суднинг вазифалари ва одил судлов вазифаларини ўхшаш эмаслиги бўйича далиллар келтиради¹⁴. Бироқ, бизнинг фикримизча, айнан судларда иш юритиш суднинг процессуал фаолияти шакли сифатида кўринади. Бунда судларда процессуал иш

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/1319>

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/2381133>

⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/52268>

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/3336169>

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси <https://lex.uz/docs/3527353#3528899>

¹² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси <https://lex.uz/docs/3527353#3528899>

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси <https://lex.uz/docs/3527353#3528899>

¹⁴ Сидоров М.А. Процессуальная деятельность арбитражного суда первой инстанции: диссертация ... кандидата юридических наук: 12.00.15. – Саратов.: 2009. - 170 с.

юритиш, уларнинг босқичлари, турлари, тузиладиган ҳужжатлар суднинг процессуал фаолиятининг бир қисми эканлигини тасдиқлайди. Процессуал характерга эга бўлмаган иш юритиш ҳам судларда иш юритиш жараёнлари билан жуда боғлиқ ҳисобланади.

Шу боис, МСИЮтКнинг 7-моддасини қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

“Қонунчилик билан судларнинг ваколатига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинади”.

Юқорида келтирилганларни таҳлил қилган ҳолда, аввало, маъмурий судлар томонидан ҳал этиладиган ишлар доирасини аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқ. Чунки, ушбу кодексда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини текшириш, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьялар корпусини шакллантириш ва судьяларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш билан боғлиқ қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги, шунингдек манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган маъмурий ҳужжатлар, маъмурий органларнинг бошқа ҳужжатлари, маъмурий ҳаракатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги ҳамда манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таҳдид солиниши муносабати билан муайян маъмурий ҳужжатни, маъмурий органнинг бошқа ҳужжатини қабул қилишни, муайян маъмурий ҳаракатни содир этишни тақиқлаш тўғрисидаги ишларни кўриб ҳал этилиши аниқ белгиланмаган.

Шу сабабли, **МСИЮтКдан 27¹ ва 27²-моддаларини чиқариш орқали, 27-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш тадқиқоқтчи томонидан илгари сурилади.**

“27-модда. Суд томонидан ҳал этиладиган ишлар

Суд:

1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини текшириш тўғрисидаги, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судловига тааллуқли ишлар мустасно;

2) сайлов комиссияларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

3) Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьялар корпусини шакллантириш ва судьяларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш билан боғлиқ қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

4) манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган маъмурий ҳужжатлар, маъмурий органларнинг бошқа ҳужжатлари, маъмурий ҳаракатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

5) манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таҳдид солиниши муносабати билан муайян маъмурий ҳужжатни, маъмурий органнинг бошқа ҳужжатини қабул қилишни, муайян маъмурий ҳаракатни содир этишни тақиқлаш тўғрисидаги;

6) маъмурий органга муайян маъмурий ҳужжатни, маъмурий органнинг бошқа ҳужжатини қабул қилиш, муайян маъмурий ҳаракатни амалга ошириш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги;

7) маъмурий ҳужжатни, маъмурий ҳаракатни ғайриқонуний деб топиш, шунингдек маъмурий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги;

8) нотариал ҳаракатни амалга оширишни, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишни рад этишни ёхуд нотариуснинг ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) низолаш тўғрисида;

9) ундирув сўзсиз тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат устидан маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича шикоят қилиш тўғрисида.

10) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жисмоний ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.

Суд манфаатдор шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган, қонун билан ўзининг ваколатига киритилган бошқа ишларни ҳам ҳал қилади.

Даъвогар асосий даъво талаблари билан бир қаторда ушбу талаблар билан сабабий боғланишда бўлган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабни ҳам тақдим этишга ҳақли.

Ушбу моддада кўрсатилган талаблардан алоҳида тарзда билдирилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судда ёки иқтисодий судда кўриб чиқилиши лозим”.

Шунингдек, тадқиқотчи томонидан маъмурий судларга даъво тартибида иш юритиш институти киритилиши асослантирилаётганлиги сабабли МСИЮтКнинг 2-§. Судловга тегишлилик параграфининг **29-33-моддаларига ҳам ўзгартириш ва тўлдиришлар киритишга оид таклифлари ишлаб чиқилди.**

“29-модда. Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари судловига тегишли ишлар

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари биринчи инстанция суди сифатида:

1) давлат сирлари билан боғлиқ;

2) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив тусдаги ҳужжатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги, шунингдек қонун билан ўз ваколатларига киритилган бошқа ишларни кўради”.

“30-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишли ишлар

Ўзбекистон Республикаси Олий суди биринчи инстанция суди сифатида:

1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив тусдаги ҳужжатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

2) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг маъмурий ҳужжатлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш;

3) Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьялар корпусини шакллантириш ҳамда судьяга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш билан боғлиқ қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни низолашиш ҳақидаги ишларни кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонун билан ўз ваколатларига киритилган бошқа ишларни ҳам биринчи инстанция суди сифатида кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди алоҳида ҳолатларга қараб, ҳар қандай ишни исталган маъмурий суддан олиб қўйишга ва уни биринчи инстанция бўйича ўзининг иш юритувида қабул қилишга, ишни бир суддан бошқасига ўтказишга ҳақли”.

“31-модда. Ҳарбий судлар судловига тегишли ишлар

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари ҳарбий бошқарув органлари ҳарбий хизматчилар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузувчи маъмурий ҳужжатлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни низолашиш ҳақидаги ишларни кўриб чиқади”.

“32-модда. Судловга тегишлиликнинг умумий қоидалари

Маъмурий органларга нисбатан даъволар улар жойлашган ер бўйича судга тақдим этилади.

Агар маъмурий орган жойлашган жой унинг ваколати амалга ошириладиган ҳудудга тўғри келмаса, ариза ўша орган ўз мажбуриятларини бажараётган жойда фаолият кўрсатаётган судга берилади.

Маъмурий органнинг алоҳида бўлинмалари фаолиятидан келиб чиқадиган даъволар ушбу бўлинмалар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилади”.

“33-моддани қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш:

Ушбу Кодекснинг 32-моддасида белгиланган судловга тегишлилик аризачининг экстерриториал судловга тегишлиликни танлаш ҳақидаги илтимосномасига кўра ўзгартирилиши мумкин. Бундай илтимоснома мавжуд бўлган тақдирда, ариза (шикоят) ушбу Кодекснинг 32-моддасида ёки мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган судга тақдим этилади. Ишни кўрадиган судни аниқлаш автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ушбу Кодекснинг 32-моддасида ва мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган суднинг танланиши истисно этиладиган тартибда амалга оширилади.

Иккинчи ва учинчи қисмлар тегишинча учинчи ва тўртинчи қисмлар деб ҳисоблансин”.

Биринчи инстанцияда иш юритишнинг асосини қуйидаги институтлар ташкил этади: иш қўзғатиш асослари; аризанинг шакли, мазмуни ва иловалари; аризани қабул қилиш, рад этиш ёки қайтариш тартиби ва муддатлари; иш юритиш давомида ариза предметини ўзгартириш ёки ундан воз кечиш; ишларни бирлаштириш ёки ажратиш; ишни суд муҳокамасига тайёрлаш; суд мажлиси тартиби ва видеоконференцалоқа орқали иштирок этиш; далилларни текшириш; суд музокараси ва ҳал қилув қарорини қабул қилиш (шу жумладан унинг сир тутилиши, мазмуни, ўзгармаслиги, тушунтирилиши, хатоларни тузатиш, қонуний кучга кириши ва ижроси); ажрим чиқариш ва уни ижро этиш; хусусий ажрим; суд баённомаси; идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни кўриш; маъмурий

органлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳужжатлари устидан шикоят қилиш; ҳамда йўқолган суд ишини юритишни тиклаш тартиби.

МСИЮтКнинг 39-моддаси ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ-мажбуриятларига бағишланган бўлса-да, унда мажбуриятлар аниқ санаб ўтилмаган — модда фақат уларнинг “процессуал мажбуриятларга эга экани ва ҳуқуқлардан инсофли фойдаланиши кераклиги”ни умумий тарзда белгилайди. Кодексда ишда иштирок этувчи шахсларнинг қандай процессуал мажбуриятларга эгалигининг белгиланмаганлиги ишни кўраётган судьяларда ишда иштирок этувчи шахслардан бизнинг мажбуриятларимиз ўзи нимадан иборат эканлигини тушунтириб беринг деган саволига, аниқ жавоб ёки тушунтиришнинг мавжуд эмаслиги, уларда жавобгарлик ҳамда масъулият ҳиссини пайдо қилмайди. Шу сабабли, суд процессида ишда иштирок этувчи шахслар ўзи қандай мажбуриятларга эга бўлишининг аниқ белгиланиши натижасида уларда судга ҳамда қонунга нисбатан ҳурмат ҳиссини пайдо қилади. **Шу боис, тадқиқотчи томонидан МСИЮтК 39-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклифи илгари сурилади.**

“Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисида тартибга риоя қилиш, судга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини тўлиқ ва ҳаққоний баён этиш, судга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ўз тушунтиришлари ва кўрсатувларини, саволларга жавобларини тик туриб бериш ҳамда ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал мажбуриятларга эга ва улар ўзларига тегишли барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланиши керак”.

МСИЮтКнинг 40-моддасига мувофиқ маъмурий суд ишларини юритишда тарафлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

“аризачилар — ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида талаб тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб талаб тақдим этилган фуқаролар ва юридик шахслар;

жавобгарлар — муайян талаб қаратилган маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари”¹⁵.

Маъмурий судларда даъво тартибида иш юритиш институтининг жорий қилиниши ўз-ўзидан ушбу моддага ҳам ўзгартириш киритиш ёки янги таҳрирда баён этиш заруратини вужудга келтиради. **Шу боис, тадқиқотчи томонидан 40-моддани қуйидаги таҳрирда баён этиш таклифи илгари сурилмоқда.**

“40-модда. Тарафлар

Даъвогар ва жавобгар маъмурий суд ишларини юритишдаги тарафлардир.

Ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган ёинки манфаатини кўзлаб иш кўзғатилган манфаатдор шахс даъвогардир.

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи даъвогар бўлиши мумкин.

Даъво талаби қаратилган маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ваколатли органлар жавобгардир”.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси <https://lex.uz/docs/3527353#3528899>

Шунингдек, МСИЮТКга **янги 40¹-модда киритиш таклифи ҳам илгари сурилиб**, унда жамоавий даъво аризаси бўйича тарафларнинг иштирок этиши мумкинлигини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

40¹-модда. Жамоавий даъво аризаси бўйича тарафларнинг иштирок этиши

Жамоавий даъво аризасида даъвогарлар манфаатларида тегишли ишни юритиш топширилган шахс ёки бир неча шахс вакил сифатида кўрсатилиши лозим. Бунда мазкур шахс ёки шахслар ишончномасиз ҳаракат қиладилар, даъвогарларнинг ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва уларнинг процессуал мажбуриятларини ўз зиммаларига оладилар.

Суд томонидан процессуал ҳужжатлар, суд чақирув қоғозлари, хабарномалар ҳамда суднинг ҳал қилув қарори (ишни кўриш якуни бўйича қабул қилинган бошқа суд ҳужжати) жамоавий даъво вакилига юборилади. Бошқа даъвогарлар жамоавий даъво вакилига юборилган хабарномалар орқали хабардор қилинган деб ҳисобланади.

Шунингдек, **МСИЮТК 50-моддасининг иккинчи қисмини ҳам қуйидаги таҳрирда баён этиш таклифи илгари сурилади.**

“Қуйидагилар гувоҳ сифатида чақирилиши ва сўроқ қилиниши мумкин эмас:

судьялар — ўзлари иштирок этган ишнинг ҳолатлари тўғрисида;

фуқаролик, иқтисодий, маъмурий иш бўйича вакиллар ёки жиноят иши бўйича ҳимоячилар, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича адвокатлар, медиаторлар — вакил, ҳимоячи, адвокат ёки медиатор вазифаларини бажариши муносабати билан ўзларига маълум бўлиб қолган ҳолатлар тўғрисида;

арбитрлар, арбитраж таркиби томонидан тайинланган экспертлар, арбитраж муассасасининг ходимлари, ҳакамлик судьялари – арбитраж ёки ҳакамлик муҳокамаси давомида ўзларига маълум бўлиб қолган ҳолатлар тўғрисида;

жисмоний нуқсонлари ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги сабабли фактларни тўғри идрок қилишга ёки улар ҳақида тўғри кўрсатувлар беришга лаёқатсиз шахслар”.

Бунда, бошқа процессуал кодекслар (ИПК, ФПК)да медиаторлар — вакил, арбитраж таркиби томонидан тайинланган экспертлар, арбитраж муассасасининг ходимлари, ҳакамлик судьяларининг гувоҳ сифатида чақирилиши ва сўроқ қилиниши мумкин эмаслиги белгиланган. Шу сабабли, процессуал ҳаракатларни тартибга солувчи кодексларни бирхиллаштириш лозим.

Гувоҳнинг мажбуриятларини ҳам аниқлаштириш мақсадида **МСИЮТКнинг 51-моддасини қуйидаги таҳрирдаги учинчи қисм билан тўлдириш таклифи тадқоқтчи томонидан илгари сурилади.**

“Агар гувоҳ суд узрсиз деб топган сабабларга кўра суд чақируви бўйича келмаса, шунингдек кўрсатувлар беришдан бўйин товлаши қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади. Бироқ, бу уни судга келиш ва кўрсатувлар бериш мажбуриятидан озод этмайди”.

Маъмурий орган мансабдор шахсининг ёки унинг вакилининг судга келмаганлиги оқибатлари ва маъмурий орган мансабдор шахсининг ёки унинг вакилининг суд муҳокамасида иштирок этмаганлиги суд томонидан узрли деб топилмаган тақдирда, суд мансабдор шахсга нисбатан суд жаримасини қўллашга ҳақлилиги тўғрисида қуйидагича МСИЮТКга янги 148¹-модда билан тўлдириш таклиф қилинади.

“148¹-модда. Маъмурий орган мансабдор шахсининг ёки унинг вакилининг судга келмаганлиги оқибатлари

Маъмурий органнинг қарори ёки унинг мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан берилган аризани (шикоятни) кўришда мансабдор шахснинг ёки унинг вакилининг суд мажлисидаги иштироки мажбурий ҳисобланади.

Ушбу аризани (шикоятни) кўришда мансабдор шахс ёки унинг вакили суд мажлисида иштирок этмаган тақдирда суд муҳокамаси кейинга қолдирилади.

Маъмурий орган мансабдор шахсининг ёки унинг вакилининг суд муҳокамасида иштирок этмаганлиги суд томонидан узрли деб топилмаган тақдирда, суд мансабдор шахсга нисбатан суд жаримасини қўллашга ҳақли.

Маъмурий орган мансабдор шахсининг ёки унинг вакилининг иштироки ишнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва тўғри ҳал қилинишига тўсқинлик қилмаган тақдирда, иш давлат органи мансабдор шахсининг ёки унинг вакилининг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин”.

Муаллифнинг таъкидлашича, иштирокчилар таркиби, ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аниқ ҳамда процессуал кодекслар бўйлаб бир хил белгиланиши одил судловни ўз вақтида ва самарали амалга оширишнинг муҳим шартидир. Шунингдек, бу каби масалалар процессуал ҳаракатларни белгилаб берувчи қонунчиликда бир хил бўлиши судлар томонидан ўз олдиларига қўйилган вазифаларни тўлақонли амалга оширишларига имконият яратади.